

# **БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ИТУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ТАЙЁРЛАШДА МЕДИЯТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Н.Усманов,  
ЖДПИ доценти

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ахборот-коммуникация воситалари муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳанинг энг янги ютуқларини ўзлаштириш, ахборотлаштириш сари интилишлар ривож топмоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, “ахборот-коммуникация воситалари нафақат ахборот алмашувини, балки муносабатларнинг изчил бўлишини таъминлайди”. Шу маънода, олий педагогик таълим жараёнида, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш ва бунда ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланиш зарурияти сезилади. Назаримизда, бу борада, медиятаълим технологиясидан фойдаланиш кутилган натижаларни беради.

Медиятаълим – бу “шахс онгини оммавий коммуникация ва ахборот воситалари ҳамда материаллари асосида ривожлантириш жараёнидир”. Бунда телевидение, радио, компьютер, матбуот нашрлари ва интернет каби воситаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиб, уларда эълон қилинаётган материаллар мақсадли равишда таҳлил этилади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини (талабаларни) миллий ғоя тарғиботига тайёрлашда, уларда ахборот-коммуникация воситалари билан ишлаш ва материаллардан онгли фойдаланиш кўникмаси ҳосил қилинади. Бу, ўз навбатида, медиатаълимни ривожлантиришни тақозо этади. Медиятаълим технологияси бир жиҳатдан ёшлар дунёқарашини миллий ғоя асосида, талаб даражасида шакллантиришни, иккинчи жиҳатдан эса, бундай дунёқарашнинг бирламчи

йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади. Чунки бу масала бугунги кунда қуйидаги жиҳатлари билан долзарб бўлиб қолмоқда:

- медиявоситалар орқали миллий ғоя тарғиботига оид эълон қилинаётган материаллар мазмунини таҳлил воситасида қабул қилиш;

- миллий ғоя тарғиботига доир медияматериалларни энг тўғри ва мақбуллариини қабул қилиш;

- медиявоситаларда эълон қилинаётган материалларнинг медиатаълим талабларига мослари асосида, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дунёқарашини онгли даражада шакллантиришга эришиш.

Бунда, асосий эътибор талабаларнинг маълумотлар ва манбалар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилиши керак. Чунки маълумотлар билан ишлай олиш кўникмасига эга бўлиш миллий ғоя тарғиботида, энг қулай ва таъсирчан усулларни эгаллаш имконияти пайдо бўлади.

Биз мазкур масалани амалий жиҳатдан ўрганиб кўриш учун Жиззах Давлат педагогитка институти бошланғич таълим йўналиши 2-курс талабалари орасида тажриба-синов ўтказдик.Унда элликта талабага матбуот материалларида миллий ғоя тарғиботига доир фактлар йиғиш топширилди ва олинган натижалар қуйидагича бўлди:

- 1) талабаларнинг 64,1 фоизи газета, журналлардан ва интернетдан аниқ материаллар йиға олишди, 14,9 фоизи бунда мураккабликка дуч келганлиги маълум бўлди;

- 2) талабаларнинг 54,1 фоизи маълумотлар ва материаллар билан ишлаш кўникмасига эга эканлиги маълум бўлди, 16,9 фоизида бундай кўникма шаклланиш босқичида эканлиги аниқланди.

Шундан сўнг, талабалар билан миллий ғоя тарғиботига оид маълумотлар ва материаллар йиғиш, уларни компьютерда тизимли жойлаштириш, саралаш ҳамда фойдаланиш бўйича машғулот ўтказдик. Машғулотда аввал назарий тушунчалар берилди, кейин бевосита амалий

машғулот ўтказилди. Натижада, тажриба-синов қуйидаги кўрсаткичларни берди:

1) тажриба-синовда иштирок этган элликта талабанинг 78,3 фоизи матбуот воситаларидан миллий ғоя тарғиботига оид аниқ маълумот ва материал олиш кўникмасини эгаллади;

2) талабаларнинг 64,5 фоизи маълумот ва материалларни қайта ишлаш малакасини ўзлаштирди.

Медиятаълимда маълумотлар ва материаллар билан ишлай олиш малакаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу масала бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Эътибор бериб қаралса, медиятаълим технологияси асосида фаолият юритадиган бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиси медияпедагог хусусиятига эга бўлиши лозим бўлади. Медияпедагог–бу “замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш орқали медиятаълимни олиб бориш учун билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган ўқитувчидир”. Ўзгача айтганда, медияпедагог замонавий ахборот-коммуникацион ва педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, медиятаълимни самарали олиб боровчи педагог-тарбиячидир. Бизнинг фикримизча, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси медияпедагог хусусиятига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Медиятаълим технологиясини ишлаб чиқишда қуйидаги қонуниятлар бирламчи бўлиши керак:

- янги педагогик технологияларнинг энг илғор жиҳатларини ўзлаштириш;
- энг мақбул ва самарали методларга асосланиш;
- ахборот – коммуникацион технологиялардан унумли фойдаланиш.

Назаримизда, медиятаълим технологиясида талабаларни тайёрлаш учун моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, биз бу масалада қуйидаги моделни тақдим қиламиз:

## Медиятаълим технологияси



Медиятаълим бўйича тадқиқот олиб борган рус педагог олими Ю.Усов медиятаълим технологиясини ишлаб чиқишда миллий педагогика тажрибасини бирламчи билишни тавсия этади. Чунки миллий педагогика тажрибаси миллий менталитет ва миллий тафаккурни ўзида мужассам этади. Айни пайтда, ўзбек миллий педагогикасида медияматериаллар билан ишлаш даражаси бошланғич босқичда эканлигини қайд этиш жоиз. Бу борада, хорижий тилларни ўқитишда кенг фойдаланилади, холос. Шу маънода, талабаларни медиятаълимнинг асослари билан махсус таништиришга эҳтиёж бор. Бунинг учун медиятаълим технологиясининг негизларини шакллантириш лозим бўлади.

Медиятаълим технологиясида қуйидаги специфик хусусиятлар мавжуд:

- медияматериалларининг мудом янгиланиб туриши;
- медияматериалларнинг турли – туманлиги ва ранг – баранглиги;
- медияматериалларнинг дидактик ишлов беришлигига зарурат сезиши.

Бу специфик хусусиятлар талабалар томонидан чуқур ўзлаштирилиши керак.

Медиятаълим технологиясида техник воситаларсиз самарага эришиб бўлмайди. Шу сабабли, у қуйидаги имкониятларни беради:

- масофадан туриб ўқитиш;
- тасвири машғулоти олиб бориш;
- эркин мулоқотга киришиш;
- дарсинг ўзида самарани илғаш.

Шундай қилиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашда медиятаълим технологиясидан фойдаланиш масаласида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

**Биринчидан,** медиятаълим технологияси радио, телевидение, интернет ва бошқа ахборот – коммуникацион воситалари асосида ўқитишга асосланади.

**Иккинчидан,** медиятаълим технологиясига кўргазмалилик, тасвирийлик, фактик янгилик, тезкорлик ва узлуксиз алоқадорлик хосдир.

**Учинчидан,** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини медиятаълим технологияси билан қуроллантириш махсус дастур асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.